

**СОЛИҚ СИЁСАТИ СТРАТЕГИЯСИНИ ИШЛАБ  
ЧИҚИШДА МАҲАЛЛАБАЙ ИШИ МЕХАНИЗМЛАРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

*Худойбердиев Обиддин Қахрамонович  
Тошкент давлат иқтисодийёт университети  
мустақил тадқиқотчиси*

**Аннотация:** Мазкур мақолада мамлакатда солиқ соҳаларида тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, бизнес доираларнинг ишончини янада мустаҳкамлашга қаратилган кенг қўламли ислоҳотларни такомиллаштиришда ҳудудлараро солиқ инспекциясини ўрни ва аҳамияти ёритилган. Шу билан бирга, Ўзбекистон солиқ тизимида маҳаллабай иши ташкил этишни амалга оширилаётган айрим муҳим ислоҳотлар ўрганилиб, хориж тажрибаси, мамлакатимизда уни қўллаш бўйича илмий-амалий хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** солиқ сиёсати, маҳалабай, корхонабай, солиқ тушумлари, таҳлика-таҳлил, хавфлар, самарадорлик, рақамли платформа, усуллар ва воситалар, таҳлил, оптималлаштириш, солиқ имтиёзлари, солиқ ставкаси.

**ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ МЕХАНИЗМОВ РАБОТЫ  
МАХАЛЛАБАЯ ПРИ РАЗРАБОТКЕ СТРАТЕГИИ НАЛОГОВОЙ ПОЛИТИКИ**

Ташкентский государственный экономический университет  
независимый исследователь  
Худойбердиев Обиддин Қахрамонович

**Аннотация:** В данной статье описаны роль и значение межрегиональной налоговой инспекции в совершенствовании масштабных реформ, направленных на создание благоприятных условий для ведения предпринимательской деятельности в налоговых сферах в стране, дальнейшее укрепление доверия деловых кругов. При этом изучены некоторые важные реформы в налоговой системе Узбекистана, проводимые для организации работы махаллабая, а также разработаны научно-практические выводы и предложения по зарубежному опыту и его применению в нашей стране.

**Ключевые слова:** налоговая политика, махлавабай, энтерпрайзбай, налоговые поступления, риски, эффективность, цифровая платформа, методы и инструменты, анализ, оптимизация, налоговые льготы, налоговая ставка.

**ISSUES OF IMPROVING THE MECHANISMS OF MAHALLABAY  
WORK IN THE DEVELOPMENT OF TAX POLICY STRATEGY**

Tashkent State University of Economics  
independent researcher  
Khudoyberdiev Obiddin Kahramonovich

**Abstract:** This article describes the role and importance of the interregional tax inspection in the improvement of large-scale reforms aimed at creating favorable conditions for conducting business activities in tax areas in the country, further strengthening the confidence of business circles. At the same time, some important reforms in the tax system of Uzbekistan, which are being carried out to organize the work of mahallabay, were studied, and scientific-practical conclusions and proposals were developed on foreign experience and its application in our country.

**Keywords:** tax policy, mahlawabay, enterprisebay, tax revenue, analysis, risks, efficiency, digital platform, methods and tools, analysis, optimization, tax benefits, tax rate.

### Кириш.

Сўнгги йилларда кўплаб мамлакатлар, жумладан, Ўзбекистон солиқ тизимида муҳим ислохотлар амалга оширилди. Ушбу ислохотлар кўпинча иқтисодий ўсишни таъминлайдиган, инвестицияларни рағбатлантирадиган ва давлат функциялари учун етарли даромад йиғилишини таъминлайдиган янада самарали, шаффоф ва адолатли солиқ тузилмасини яратиш зарурати билан боғлиқ. Солиқ тизимидаги ислохотлар мамлакатнинг иқтисодий манзарасини шакллантиришда ҳал қилувчи рол ўйнайди. Бундан ташқари, жаҳон амалиётида маҳаллабай иши механизмларини такомиллаштириш бўйича қатор илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Хусусан, маҳаллабай иши механизмларини такомиллаштириш бўйича қондаларга биргаликда риоя этиш тамойилини амалга ошириш, солиқ тўлашдан бўйин товлашни тўхтатишнинг самарали механизмини ишлаб чиқиш масалаларининг долзарблиги уларнинг етарлича назарий ва норматив жиҳатдан ўрганилмаганлиги ва замонавий иқтисодий шароитда юқори амалий аҳамияти бу борадаги тадқиқотларнинг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

### Адабиётлар шарҳи.

А.В.Аронов, В.А.Кашинлар [1] фикрича, “максимал солиқ сиёсатининг мазмунини солиқ сиёсатининг асосий стратегияси сифатида қарайди, яъни, уларнинг фикрича, солиқлар сонини ошириш, солиқ ставкаларини ошириш, солиқ имтиёзларини камайтириш солиқ сиёсатининг стратегик мақсадлари сифатида қабул қилиниши мумкин”

Т.Р.Валинуров [2] эса солиқ сиёсатининг стратегик йўналишини “солиққа тортиш масалаларини ҳар томонлама ҳал қилишни назарда тутадиган чоратадбирлар тизими сифатида баҳолайдики, бунда муайян давлатнинг тарихан шаклланган манфаатлари ва мақсадларига мос ҳолда давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг императив-диспозитив хусусиятга эга бўлган, давлатнинг умумий иқтисодий стратегиясининг бир қисми” таърифлайди.

И.А.Майбуров [3] “солиқ ислохоти солиқ тизимини тубдан ўзгартиришни давлат солиқ сиёсатининг янги мазмунига мослаштириш ” деб таъкидлайди.

Н.М.Дементьева [4] солиқ сиёсатини давлат иқтисодий сиёсатининг инъикоси эканлигини, у мустақил аҳамиятга эгаллиги ва солиқларнинг илмий назариясига асосланиши лозимлигини таъкидлайди. “Амалга оширилаётган солиқ сиёсатининг натижалари кўп жиҳатдан давлат ўз иқтисодий сиёсатига

қандай тузатишлар киритишга мажбур эканлигини, солиқ тизимини қандай куриш кераклигини белгилайди” .

Карп М.В [5] Солиқ сиёсати давлатнинг ўрта ва узоқ муддатли истиқболдаги умумий молиявий сиёсатининг таркибий қисми бўлиб, солиқ соҳасидаги давлат фаолияти концепцияси, солиқ механизми, солиқ тизимини бошқариш каби тушунчаларни ўз ичига олади.

О.Ситникованинг фикрича, [6] “консолидациялашган солиқ тўловчилар гуруҳига киритишда активларини тан олиш ёки махсус қайта баҳолаш зарур, гуруҳга киришдан олдин корхонанинг зарарларини ўтказиш тартиби ишлаб чиқилиши лозим, консолидациялашган солиқ тўловчининг молиявий-хўжалик фаолиятининг бир хил қийматга эга бўлган субъект сифатида халқаро эътироф этилишига алоҳида эътибор қаратилиши лозим”.

Ю.Дарькина [7] йирик солиқ тўловчиларнинг хусусиятлари сифатида тўхталиб, “йирик солиқ тўловчиларга қуйидаги хусусиятлар хосдир: катта пул оқими, кенг кўламли ҳужжатлар айланмаси, соддалаштирилган тизим бўйича солиққа тортиладиган турли таркибий бўлинмаларнинг интеграциясидан фойдаланиш, мамлакат ичида ҳам, чет элда ҳам турли фирмалар билан ҳамкорлик мавжудлигидир”.

#### **Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.**

Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 28 декабрдаги ЎРҚ-891-сон Қонунига асосан Солиқ кодексининг 369-моддасига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга мувофиқ ўзини ўзи банд қилган шахслар учун қуйидагича солиқ мажбурияти белгиланди.

Хусусан, 2024 йилнинг 1 январидан бошлаб ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг меҳнат фаолияти натижасида ёки товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромадларига ушбу даромадлар солиқ даврида юз миллион сўмдан ошган кундан эътиборан ушбу Кодекс мақсадида якка тартибдаги тадбиркорлар учун белгиланган тартибда солиқ солиниши белгиланди.

Маълумки, Солиқ кодексининг 461-моддасининг биринчи қисми 2-бандига асосан солиқ даврида товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромади юз миллион сўмдан ошган, лекин бир миллиард сўмгача бўлган якка тартибдаги тадбиркорлар айланмадан олинadиган солиқ тўловчилар ҳисобланиши белгиланган.

Шунга асосан солиқ даврида меҳнат фаолияти натижасида ёки товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромадларига юз миллион сўмдан ошган кундан эътиборан ушбу Кодекснинг 467-моддасига асосан 4 фоизлик ставкада айланмадан олинadиган солиқни тўлаш лозим бўлади.

Ўз навбатида ушбу шахслар айланмадан олинadиган солиқ бўйича ҳар ойда жумладан, ҳисобот даври яқунлари бўйича - ҳисобот давридан кейинги ойнинг ўн бешинчи кунидан кечиктирмай ҳамда йил яқунлари бўйича - солиқ давридан кейинги даврнинг 15 февралидан кечиктирмай ҳисобот тақдим этиш мажбурияти юкланади. Тўловларни амалга ошириш юқорида қайд этилган яъни ҳисобот тақдим этиш муддатидан кечиктирмай амалга оширилади.

**2023 йил 1 август** ҳолатига ихтиёрий тартибда **жами 20 нафар** ўзини ўзи

банд қилган шахслар (жами ҳисобга олинганларнинг 6,5 фоизи) томонидан **6,6 млн. сўм (330000x20)** ижтимоий солиқ тўланган.

*Ўзини ўзи банд қилган шахслар томонидан ижтимоий солиқ меҳнат стажини ҳисоблаб чиқариши учун йилига базавий ҳисоблаш миқдорининг камида бир баравари миқдорда ихтиёрий тартибда тўланади.*

*(Солиқ кодексининг 408-моддаси).*

**1-қадам.** Маҳалла солиқ инспектори (МСИ) маҳаллада ҳисобга олингандан буён ижтимоий **солиқ тўламаётган** ўзини ўзи банд қилган шахслар билан юзма-юз учрашиб, **қуйидагилар тушунтирилиши лозим:**

- ихтиёрий тартибда йилига базавий ҳисоблаш миқдори (БХМ)нинг камида бир баравари миқдорда ижтимоий солиқ тўласа **бир йиллик меҳнат стажига эга бўлишлиги;**

- пенсия тайинланиши учун камида **7 йил иш стажи талаб қилиниши** (“Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонуни.8-моддаси);

- солиқни тўлаш ҳар йили **1 декабрга қадар** амалга оширилиши, бунда солиқнинг миқдори **тўлов кунда белгиланган БХМ**дан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилиши (Солиқ кодексининг 408-моддаси);

- зарур ҳолларда ижтимоий солиқни имконияти бор вақтда (тўловнинг охиригича кунига тақамасдан) тўлаш мақсадга мувофиқлиги.

*Мисол: Фуқаро А. Жалолов 2023 йил 8 февраль куни ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтган ва фуқароларнинг томорқа ер участкаларида ер чоғи фаолияти билан шугулланади.*

*Мазкур фуқаро 2023 йил 3 сентябрь куни ижтимоий солиқни тўламоқчи бўлса, БХМнинг бир баравари, яъни 330 минг сўм тўлайди.*

*Агар А. Жалолов солиқ тўловини 2023 йил 1 майга қадар амалга оширганда эди, 300 минг сўм тўлаган бўлар эди. Чунки ПФ-45-сонли Фармонга асосан 2023 йил 1 майдан бошлаб, базавий ҳисоблаш миқдори (БХМ) ойига 330 минг сўм этиб белгиланган.*

**2-қадам.** МСИ ҳудуддаги ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг фаолият тури ва аҳолига пуллик хизматларни кўрсатишда ОНКМ мавжуд ёки мавжуд эмаслигини, мавжудларининг фаол ёки нофаоллигини ўрганади.

*Ўзини ўзи банд қилган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда **назорат-касса техникаси ва банк пластик карточкалари орқали ҳисоб-китоблар бўйича тўлов терминаллари**дан фойдаланади ҳамда тижорат банкларида ҳисобварақлари очиши мумкин.*

*Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 декабрдаги 806-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисида” Низом*

ОНКМ ўрнатилиши лозим бўлган фаолият турларини амалга оширувчи ўзини ўзи банд қилган шахслар билан ОНКМ ўрнатилиши бўйича зарур тушунтириш ишлари олиб борилади.

ОНКМ ўрнатилиши лозим бўлган фаолият турларини амалга ошираётган ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг кўрсатилаётган хизматларни нақд пулга

амалга ошираётганлиги факти аниқланган тақдирда, уларни расмий огоҳлантирган ҳолда инспекцияга ахборот берилади.

**3-қадам.** Ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг товар обороти ЭХФ ёки ОНKM асосида таҳлил қилинади.

Бунда таҳлил маълумотлари асосида қуйидаги мисол кўринишида амалга оширилади:

Товар обороти (ЭХФ ёки ОНKM асосида)						млн.сўм
Амалга оширганлар		шундан,			Амалга оширмаганлар	
сони	суммаси	100 млн. сўмгача	100 млн. сўмдан ошганлар	1 млрд.сўмдан ошганлар		
1	102,7		1		306	

Маҳаллада мавжуд рўйхатдан ўтган жами 307 нафар ўзини ўзи банд қилган шахслардан товар оборотини ЭХФ ёки ОНKM асосида амалга оширганлар 1 нафарни, обороти 102,7 млн. сўмни (оборотини 100 млн. сўмдан ошган) ташкил этади. Шунга кўра, қолган 306 нафар ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг фаолиятини ўрганиш ишлари олиб борилади.

**4-қадам.** МСИ маҳаллада норасмий банд бўлган аҳоли билан зарур тушунтириш ишлари олиб борган ҳолда, уларни ўзини ўзи банд қилишига кўмаклашиши, ихтиёрий тарзда ижтимоий солиқ тўловчилар сонини кенгайтириш орқали солиқ тушумини кўпайтириши лозим.

Ўзини ўзи банд қилган шахслар фаолияти ва имкониятларини (товар айланмасини) таҳлил қилган ҳолда уларни ЯТТ ёки юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтган ҳолда фаолият кўрсатишга йўналтириш чора-тадбирларини кўриши лозим.

### 2023 йил 1 август ҳолатига жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғи тўғрисида

**1-қадам.** Жисмоний шахслардан ундириладиган мол-мулк солиғи бўйича белгиланган прогноз кўрсаткичининг бажарилиши қуйидаги тавсиялар кўринишида амалга ошириб борилади.

№	Маҳалла номи	Йиллик прогноз			Жумладан, жорий ой прогнози			
		Режа	Амалда	Қолдиқ	Режа	Амалда	Қолдиқ	Улуши, %
2	Нефтчи	176,9	150,8	-26,1	10 490,0	6 504,6	-3 985,4	62,0%

- Жорий йилда режа 176,9 млн. сўм белгиланган бўлиб, амалдаги тушум 150,8 млн.сўмни ташкил этди, жорий йил якуни бўйича 26,1 млн.сўм ундирилиши лозим;

- Жорий ойда режа 10,5 млн. сўм белгиланган бўлиб, амалдаги тушум 6,5 млн.сўм ёки 62%ни ташкил этди, жорий ой якуни бўйича 4 млн.сўм ундирилиши лозим. Шундан, ҳар бир хонадонлар учун ҳисобланган мол-мулк



солиғи тушуми ва прогнози бажарилиши имкониятлари ўрганилади;

- зарур ҳолларда солиқ тўловчиларга солиқларни тўлаш муддати тугагини кутмасдан тўлаш бўйича (тўловнинг охириг кунига тақамасдан) маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда тарғибот ишларини олиб боради;

- Тўлов муддати тугаганидан сўнг тўланиши лозим бўлган солиқ суммасига ҳар бир кун учун пеня ҳисобланиши бўйича огохлантиради.

*Пеняни ҳисоблаш: масалан, Марказий банкининг 1 август ҳолатига қайта молиялаш ставкаси 14 фоиз унинг уч юздан бири (14/300) ҳисобида ҳар бир кун учун 0,046 фоиз.*

**2-қадам.** Маҳаллага бириктирилган солиқ инспектори кўчмас мулк объекти мавжуд хонадонлар сонини, кадастр қийматини ва мулк майдонларини жадвалдаги кўрсаткичлар билан ҳақиқатда борлигини солиштириб чиқиши лозим.

№	Маҳалла номи	Мулк солиқ тўловчилар сони	Мулк объектлари		
			сон	Кадастр қиймати (млрд.сўм)	мулк майдони (кв.м)
2	Нефтчи	553	572	69,2	8,0

**3-қадам.** Фарқ аниқланган тақдирда қуйидаги ишлар амалга оширилади:

- а) кўчмас мулкнинг кадастр ҳужжатларига мувофиқлиги ўрганилади;
- б) манзилдаги кўчмас мулклар кадастр маълумотларидан фарқ қилса, янги қурилган иморатларни ва қўшимча қурилиш майдонларини кадастр ҳужжатларида акс эттириши тушунтирилади ва ташкиллаштирилади;
- в) бюджет параметрларидаги мол-мулк солиғининг жорий йил учун базавий ставкасининг тўғри қўлланилиши ўрганилади.

Бундан ташқари, кўчмас мулкнинг баҳоси мавжуд бўлмаганда мол-мулкнинг шартли қиймати Тошкент, Нукус шаҳарлари, шунингдек вилоят марказларида 210 миллион сўм, бошқа шаҳарлар ва қишлоқ жойларда эса - 84 миллион сўм миқдоридан келиб чиқиб солиқ ҳисобланишини солиқ тўловчиларга тушунтириш керак.

*Объектларни қасдан яшириш (камайтириб кўрсатиш) ёхуд солиқлар ва йиғимлар тўлашдан қасдан бўйин товлаш — мансабдор шахсларга эса — ўн беш баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади (МЖтКнинг 174-моддаси.)*

**4-қадам.** Маҳаллага бириктирилган солиқ инспектори мол-мулк солиғидан йил бошига қарздорлик ҳолатини ўрганади

№	Маҳалла номи	Йил бошига қарздорлик	
		сони	суммаси
2	Нефтчи	232	70,4

Нефтчи МФЙдаги кўчмас мулкка эга бўлган 232 нафар фуқароларнинг йил бошига мол-мулк солиғидан қарзи 70,4 млн.сўм солиқ қарзини келиб чиқиш сабабларини ўрганади. Бунда:

- ҳақиқатда солиқ суммалари тўланган, лекин солиқ органларидаги дастурий маҳсулотга кирим қилинмаган тўловларни ўрганиб, дастурга кирим қилиш чораларини амалга оширади;

- сунъий солиқ қарздорликнинг вужудга келишини олдини олиш мақсадида, 1 та кўчмас мулк объектига бир нечта фуқароларни (эгаллигида бўлмаган) бириктирилган ҳолатларни аниқлаб, маҳалла фаоллари ва кадастр агентлиги мутахассислари билан ҳамкорликда мазкур камчиликларни баратараф этишни ташкиллаштиради;

- сунъий солиқ қарздорликнинг вужудга келишини олдини олиш мақсадида, 1 нафар фуқарога эгаллигида бўлмаган бир нечта кўчмас мулк объектлари бириктирилган ҳолатларни аниқлаб, маҳалла фаоллари ва кадастр агентлиги мутахассислари билан ҳамкорликда мазкур камчиликларни баратараф этишни ташкиллаштиради;

- ўрганиш натижасида ҳақиқатда солиқлар ўз вақтида тўланмаган ҳолатлари аниқланган тақдирда, солиқ қарздорлиги миқдорига қараб, Фуқаролик судларига берилганлиги ва унинг натижаси ўрганилади.

№	Маҳалла номи	Йил бошига ортиқча тўлов	
		сони	суммаси
2	Нефтчи	301	21,1

**5-қадам.** Маҳаллага бириктирилган солиқ инспектори мол-мулк солиғидан йил бошига ундирувчанлик ҳолатини ўрганади. Масалан, ўрганишлар натижасида Нефтчи МФЙда 301 нафар солиқ тўловчининг 21,1 млн. сўм мол-мулк солиғидан ортиқча тўлов борлиги аниқланди.

Мазкур ҳолатнинг келиб чиқиш сабаблари ва баратараф этиш чоралари қуйидагича амалга оширилади:

- Тўлов амалга оширилаётган вақтда кадастр рақами хато терилганлиги сабабли, ўзга шахснинг кўчмас мулкига тўланганлиги ҳолатини ўрганади;

- Кўчмас мулк объектлари солиқорганларининг дастурий маҳсулотига киритилмаганлиги, шунинг натижасида солиқлар ҳисобланмай қолишлик ҳолатлари ўрганилади;

- Ҳақиқатда тўланган ортикча тўловларни бошқа солиқлардан қарздорлик мавжуд бўлмаса, солиқ тўловчига қайтаришлик чораларини ташкиллаштиради.

№	Маҳалла номи	2023 йилда ҳисобланган		Тўланган		Ундирув-чанлик даражаси (%)	Тўлашга қолаётган солиқ	
		сон	суммаси	сон	суммаси		сон	суммаси
2	Нефтчи	549	176,9	282	94,8		324	147,5

**6-қадам.** Маҳаллага бириктирилган солиқ инспектори мол-мулк солиғи бўйича жорий йилда ҳисобланган, тўланган ва тўлов муддатига қадар ундирилиши лозим бўлган жадвал маълумотларини кунлик назорат қилиши лозим. Бунда: Нефтчи МФЙдаги 549 нафар солиқ тўловчиларнинг кўчмас мулк объектларига жорий йилда 176,9 млн. сўм мол-мулк солиғи ҳисобланган бўлиб, амалда 282 нафар солиқ тўловчи 94,8 млн.сўм тўланган. Тўлов муддатигача 324 нафар солиқ тўловчиларнинг 147,5 млн.сўм солиғи ундирилиши лозим. Шундан, ҳар бир субъектлар учун ҳисобланган мол-мулк солиғи тушуми ва прогнози бажарилиши чораларини амалга ошириши лозим.

Маҳаллаларга бириктирилган солиқ органлари ходимлари фаолияти юзасидан таҳлил ва муҳокамалар қилиб берилмоқда.

Солиқ инспекторининг асосий вазифаси маҳалладаги имкониятларни ишга солиб солиқ базасини кенгайтириш солиқ тўловчиларга солиқ хизматларини кўрсатиш ва солиқларни ундиришдан иборат. Жумладан, Республика бўйича жорий йил январь ойи прогноз режаси 994,9 млрд.сўм белгиланган бўлиб, амалда 815,5 млрд.сўмга ёки 82,0 фоизга бажарилиб, энг паст кўрсаткич Тошкент шаҳрида 43,3 млрд.сўмга (83%), Самарқандда 35,6 млрд.сўмга (65,3%), Андижон вилоятида 25,3 млрд.сўмга (58,7%), Фарғонада 22,8 млрд.сўмга (73,7%) бажарилиши таъминланмаган.

Мазкур режа кўрсаткичларининг сифатли бажарилишини баҳолаш учун солиқ кўмитаси томонидан маҳаллага бириктирилган солиқ инспекторларини фаолияти самарадорлигини баҳоловчи (KPI) “Маҳаллаларда солиқ органлари фаолияти” Ахборот тизими ишлаб чиқилди. Ахборот тизимдаги маълумотлар онлайн равишда ҳар соатда янгиланиб туради, шунингдек, шу асосида маҳаллага бириктирилган инспекторларнинг олдига кунлик вазифалар белгилаб берилмоқда.

Ахборот тизимида солиқ инспекторини фаолияти самарадорлиги (KPI) 21 та мезон орқали баҳолаб берилмоқда.

Янги тизим ишга тушиши натижасида 2023 йил якуни билан:

-45 394 та тадбиркорлик субъектларини фаолияти қонунийлаштирилди;

-20 748 та тадбиркорлик субъектларининг фаолияти тикланди;

-416 713 та фуқаро ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтказилди.

-606,5 млрд сўм қўшимча манба бюджетга жалб қилинди (АОСга 65,3 млрд сўм, ЖШШОДС 459,1 млрд сўм, Жисмоний шахсларнинг ер ва мол-мулк



солиғи 82,1 млрд сўм). Шунингдек, жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиқлари бўйича тушум 2022 йилнинг мос даврига нисбатан 2023 йилда 1,9 бараварга (721,5 млрд.сўм), Айланмадан олинадиган солиқ 1,2 бараварга (82,3 млрд.сўм) ва жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи 1,1 бараварга (739,7 млрд сўм) ошишига эришилди.

Худди шундан 2024 йил январ ойида бюджетга 35,7 млрд сўм қўшимча манба жалб қилинди. “Маҳаллаларда солиқ органлари фаолияти” ахборот тизимидаги маълумотларга асосан, 2023 йил декабрь ойи якуни билан Республиканинг самарадорлик кўрсаткичи 91,1 баллни ташкил қилиб, Тошкент шаҳри (95,2 балл), Самарқанд (94,8 балл) ва Сурхондарё вилоятлари (93 балл) яшил ҳудудда ёки юқори кўрсаткич қайд этди. Республика бўйича 74 та (35,6 фоиз) солиқ инспекцияларининг самарадорлик кўрсаткичи 95 баллдан юқори, шундан, 32 та (15,4 фоиз) инспекцияда 100 баллик натижа қайд этилди. Мазкур самарадорлик кўрсаткичи 95 баллдан юқори бўлган ҳудудлар салмоғи Қорақалпоғистон Республикасида 82,4 фоизни (16 та инспекциядан 14 та), Самарқандда 69 фоизни (16 та инспекциядан 11 та), Жиззахда 62 фоизни (13 та инспекциядан 8 та) ташкил этди.

Ходимлар кесимида таҳлил қилинганида 1 692 нафар (38,2%) инспекторнинг самарадорлик кўрсаткичи 95 ва ундан юқори балл, шундан 927 нафари 100 баллик натижага эришди (ушбу кўрсаткич 2023 йил ноябрь ойида 461тани ташкил қилган). Шу билан бирга, 37 нафар инспектор 70 ва ундан паст балл натижага эришган, шунингдек 8 таси 2023 йилнинг ноябрь ойида ҳам самарадорлик кўрсаткичи 70 баллдан паст натижани қайд этган. 2024 йилнинг 1 февраль ҳолатига Республика бўйича самарадорлик кўрсаткичи 87,3 баллни ташкил этган бўлса, Андижон (78,5 балл), Самарқанд (82,1 балл), Фарғона (83,8 балл), Наманган (83,8 балл) ва Жиззах вилоятлари (85 бал) “қизил” зонада ёки энг ёмон ҳудуд сифатида қолмоқда. Республика бўйича жорий йилнинг январь ойи учун солиқ турлари бўйича белгиланган жами 995,0 млрд сўмлик прогноз ижроси 1 февраль ҳолатига 815,5 млрд сўмга ёки 82,0 фоизга бажарилган бир пайтда, Андижонда 58,7 фоизга, Самарқандда 65,3 фоизга, Фарғонада 73,7 фоизга, Наманганда 73,9 фоизга ҳамда Жиззахда 80,9 фоизга таъминланган ҳолос. Прогноз ижроси 81 та туман (шаҳар)да Республика кўрсаткичидан паст натижа қайд этилаётган бўлса, 16 та солиқ инспекциясида эса 60 фоизга ҳам етмаган.

Хусусан Андижонда Асака тумани самарадорлик кўрсаткичи 75,0 баллни, прогноз ижроси 52 фоизни Сирдарёда Сайхунобод тумани самарадорлик кўрсаткичи 77,5 баллни, прогноз ижроси 59 фоизни, Фарғонада Қўқон шаҳарда самарадорлик кўрсаткичи 80,8 баллни, прогноз ижроси 52 фоизни, Самарқандда Самарқанд шаҳарда самарадорлик кўрсаткичи 84,2 баллни, прогноз ижроси 48 фоизни, Республикада энг ёмон натижа қайд этмоқда.

Ходимлар кесимида таҳлил қилинганида, Республика бўйича маҳаллаларга бириктирилган 4 384 нафар ходимдан атиги 147 нафарининг самарадорлик кўрсаткичи 95 баллдан юқори натижа қайд этган бўлса, 119 та ходимнинг кўрсаткичи 70 баллга ҳам етмаган. Самарадорлик кўрсаткичи 95 баллдан юқори натижага эришган ходимлар Сурхондарёда 34 та, Қорақалпоғистон

Республикасида 23 та бўлса, Самарқандда, Тошкент шаҳарда, Навоийда 1 нафардан ходим 95 баллдан юқори натижага эришган.

Бундан ташқари “Паст қувватда” ишлаётган корхоналар билан етарли даражада иш ташкил қилинмаганлиги натижасида республика бўйича 44,5 мингта корхоналарнинг товар айланмаси ўтган йилга нисбатан жами 4 496,1 млрд.сўмга камайган (бу кўрсаткич Тошкент шаҳрида 5200 та корхонанинг товар айланмаси 714,7 млрд.сўмга, Самарқандда 4 696 та корхонанинг товар айланмаси 353,2 млрд.сўмга, Тошкент вилоятида 4 118 та корхонанинг товар айланмаси 426,0 млрд.сўмга, Фарғонада 3 704 та корхонанинг товар айланмаси 364,8 млрд.сўмга, Қашқадарёда 3 481 та корхонанинг товар айланмаси 278,8 млрд.сўмга камайган). Республик бўйича 45152 та шахсларнинг ноқонуний фаолияти қонунийлаштирилиб, 14 590 та юридик шахс ва 30 562 та ЯТТ ташкил қилинган бир вақтда, бу кўрсаткич Сирдарёда 1 157 та, Навоийда 1 295 та, Жиззахда 1 849 тани ташкил этиб, Республика кўрсаткичидан паст натижани қайд этган.

2023 йил сентябрь-декабрь ойларида жами 281,7 мингта бўш турган бинолар ва ер участкалари аниқланган бўлса, шундан 6 708 таси (2,3%) ишга туширилган (бу кўрсаткич Самарқанд вилоятида 29996 та объектларнинг 580 таси (1,9%), Фарғонада 28046 та объектларнинг 558 таси (2,0%), Қорақалпоғистонда 17501 та объектларнинг 350 таси (2,0%), Тошкент шаҳрида 28730 та объектларнинг 578 таси (2,0%) ишга туширилган холос). 2023 йил сентябрь-декабрь ойларида маҳаллаларда солиқ органлари фаолияти давомида аниқланган қўшимча манба маълумотларига асосан Республика бўйича жами 9 443та маҳаллалардан товар айланмаси оширилган 70 659 та корхона ва тадбиркорлик субъектларнинг 65 301,4 млн.сўм ҳисобига тўғри келса бу кўрсаткич Хоразим вилоятида 4 649 та субъектлардан 8 425,7 млн.сўм товар айланмаси оширишга эришилган бўлсада шундан, энг паст кўрсаткичларни Сурхондарё вилоятида 5 736 та субъектдан 2 435,7 млн.сўм, Қорақалпоғистон Республикаси 5 260 та субъектдан 2 842,3 млн.сўм, Тошкент шаҳри 1 571 та субъектдан 2 921,6 млн.сўм, Андижон вилояти 9 266 та субъектдан 3 475,7 млн.сўмни ташкил этиб, Республикадан энг паст кўрсаткични қайд этган.

Шу каби, ишчилар сони ва МХТФни ошгани ҳисобига эса энг яхши кўрсаткични Тошкент шаҳри 3 121тадан 62 425,1 млн.сўмни ташкил қилганда Сирдарё вилоятида бор йўғи 911тадан 12 867,9 млн.сўмни ва Навоий вилоятида 1 227тадан 28 942,5 млн.сўмни, Сурхондарё вилоятида 1 570тадан 9 256,4 млн.сўмни ташкил қилмоқда.

Янги рўйхатга олинган объектлар ҳисобига энг юқори кўрсаткични Тошкент шаҳар 31 609та объектдан 14 686та (8 236та ер ва 6 449та мулк) ташкил қилган бўлса, энга паст кўрсаткичларни Сирдарё вилоятида 7 529та объектдан 2 050та (1 349та ер ва 701та мулк), Навоий вилояти 8 898та объектдан 2 631 таси (1 853та ер ва 778та мулк) Бухоро вилояти 9 399та объектдан 3 693та шундан (2 118та ер ва 1 575та мулк) ташкил қилган.

2023 йилнинг IV-чораги давомида фаолияти тикланган ва янгидан рўйхатдан ўтказилган тадбиркорлик субъектлари ҳамда ўзини-ўзи банд қилган шахслар сони Республика бўйича жами 482 855тани ташкил этиб, бириктирилган

ходимларга (4427 нафар) нисбатан ўртача 109 тани ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич Тошкент вилоятида 75 тани, Фарғонада 81 тани, Андижонда 83 тани, Сирдрёда 84 тани ташкил этган. Маҳаллада ўзини ўзи банд қилган шахслар **307 нафар**ни, шундан, жорий йилда ҳисобга олинган **154 нафар** ёки **50,2 фоизни** ( $154/307 \times 100$ ) ташкил этади.

### **Хулоса ва таклифлар.**

Солиқ органларига қўшимча вазифалар юклатилганлиги сабабли функционал вазифалар ўз вақтида сифатли бажарилмасдан қолмоқда. Таклифимиз солиқ органларига қўшимча юклатилган вазифаларга (ҳудудларни ижтимоий- иқтисодий ривожлантириш секторлари ҳамда маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳоли бандлиги таъминлаш тузилмалари) жалб қилинган ходимлар сони доирасида оптималлаштирган ҳолда уларни ваколатли ташкилотлар ихтиёрига ўтказиш бўйича таклиф тайёрлаш. Натижа эса солиқ органларига қўшимча юклатилган вазифаларга жалб қилинган 650 та ходимлар сонини оптималлаштириш орқали уларга ҳисобланаётган иш ҳақи бўйича солиқ органларидан ўртача бир йилда 33,6 млрд сўм маблағлар иқтисод қилинади.

### **Adabiyotlar/Literatura/Reference:**

1. Аронов А. В., Кашин В. А. Налоги и налогообложение: учеб. пособие. — М.: Магистр, 2007. — С. 99—100.
2. Т.Р. Валинуров. Сущность налоговой политики государства и содержание налогового механизма. Приложение к журналу «Современные наукоемкие технологии» №1 2010.
3. Камалнев Тимур Шамильевич. Налоговое администрирование крупнейших налогоплательщиков. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидат экономических наук. Москва 2009.
4. И.А.Майбууров Налоги и налогообложение: учебник для студентов вузов, обучающихся по специальностям; под ред. И.А.Майбуурова.-М.: юнити-дана,2007.-655с.).
5. Юнак Алексей Алевтинович. Проблемы правового регулирования налогового контроля и учета крупнейших налогоплательщиков. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидат юридических наук. Москва 2009. с.12.
6. Н.М.Дементьева. налоговая политика государства. [https://nsuem.ru/science/publications/science\\_notes/issue.php?ELEMENT\\_ID=1689.](https://nsuem.ru/science/publications/science_notes/issue.php?ELEMENT_ID=1689.),
7. Карп М.В. Налоговый менеджмент: Учебник для вузов. – М.: Юнити-дана, 2001.– 39 с.
8. Ситникова Ольга Владимировна. Совершенствование налогообложения крупнейших консолидированных налогоплательщиков. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидат экономических наук. Москва 2012.
9. Дарькина Ю.А. Особенности налогового администрирования крупнейших налогоплательщиков. Interactive science. 3 (37) • 2019.
10. Кенэ Избранные экономические произведения.-М.Соцэкгз. 1960; Дж.М.Кейнс Общая теория занятости, процента и денег. – М.: 1993;
11. Davlat soliq qo'mitasi ma'lumotlari. [www.soliq.uz](http://www.soliq.uz).